O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

*Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!*

1930 йил 12 майдан чиқа бошлаган

# Посбон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ НАШРИ

№ 43 – 45 (3273–3275) 1999 йил 16 апрель, жума Баҳоси эркин нархда

## КЕЛГУСИ АСРГА ЯНГИЧА ҲАЁТ БИЛАН

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси 14-15 апрель кунлари Тошкентда бўлиб ўтди.

Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотларининг раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ва дипломатия корпуси вакиллари, республика ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари ҳозир бўлишди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов бошқарди.

Сессия иштирокчилари 16 февраль куни Тошкентда содир этилган террорчилик ҳаракатлари чоғида ҳалок бўлган бегуноҳ кишиларни бир дақиқа сукут сақлаб хотирладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сессияда жамиятнинг ҳаётининг сиёсий, иқтисодий, маънавий ва бошқа томонларини янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида катта маъруза қилди.

Юртбошимиз ўз дастурий маърузасида жамиятимизда рўй бераётган жараёнларни чуқур таҳлил қилди, келгусида ҳуқуқий демократик давлат қурилишининг устувор йўналишларини белгилаб берди.

Президентимиз бу устувор йўналишлар, хусусан, мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш, жамият маънавиятини янада юксалтириш, янги формациядаги кадрлар тайёрлаш бўйича ишларни кучайтириш, халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсишини таъминлаш, аҳолини янада кучли ижтимоий ҳимоя қилиш, жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, сарҳадларимиз дахлсизлигини, мамлакатимиз худудий яхлитлигини таъминлаш эканлигини айтиб ўтди.

Маъруза муҳокамасида иштирок этган депутатлар Президент томонидан баён қилинган ислоҳотларни чуқурлаштириш, XXI аср бўсағасида жамият ҳаётининг барча томонларини янада эркинлаштириш дастури ва устуворликларини қизғин қўллаб-қувватладилар.

Олий Мажлиснинг XIV сессиясида жамиятимизнинг кўплаб соҳалари ҳуқуқий базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган ва халқимиз томонидан маъқулланган кўплаб қонунларнинг лойиҳаси муҳокама қилинди.

Муҳокамалардан сўнг депутатлар "Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолотлари тўғрисида"ги, "Лизинг тўғрисида"ги, янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги, "Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида"ги, "Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида"ги, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги қонунлар ва кун тартибига киритилган бошқа ҳужжатларни қабул қилдилар.

Олий Мажлис сессияси ваколати доирасидаги бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

**Ўз мухбиримиз.**

Бош муҳаррир минбари

## ҚОНУН УСТУВОРЛИГИГА ЭРИШИБ ЯШАЙЛИК

Истиқлол туфайли мамлакатимизда катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Бу ҳақда кўп гапирилаяпти ва ёзилаяпти. Биз юртимизга ташриф буюраётган хорижлик меҳмонларга республикамизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари тўғрисида фахр билан ҳикоя қилиб бераяпмиз. Меҳмонлар қисқа вақт ичида қурилиб, бугунги кунда жаҳон меъёрларига жавоб берадиган даражада маҳсулот ишлаб чиқараётган завод ва фабрикаларни бориб кўришаяпти. Сўлим кўчалар, хиёбонлар, замонавий автомагистраллар, юзлаб ижтимоий-маиший ва маданий объектлар барпо этилганига ҳавас қилишмоқда. Буларнинг барчасига мустақиллик туфайли, олиб борилаётган оқилона сиёсат туфайли эришаётганимизни уларга ғурур билан сўзлаб бераяпмиз.

Мамлакатимизда халқаро ҳуқуқ меъёри даражасида ва демократик тамойиллари билан жаҳон ҳамжамияти эътиборини тортувчи ҳуқуқий база вужудга келтирилмаганда бундай ютуқлар қўлга киритилган бўлармиди? Йўқ, албатта.

Бугунги кунда бизни қонун устуворлиги шароитида яшашга ўргатаётган бу ҳуқуқий база тобора ривожланиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида депутатлар томонидан қабул қилинган қатор қонунлар бунга яна бир ёрқин мисол бўла олади.

Ушбу анжуманда Президентимиз Ислом Каримов чуқур маъно ва мазмунга эга бўлган катта маъруза қилди. Унинг моҳияти ва сиёсий аҳамияти тўғрисида газетамизнинг кейинги сонида ўз мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашамиз.

Сессияда қабул қилинган янги қонунлар ҳақида гап борар экан, улардан айримларига муштарийларимиз эътиборини жалб этмоқчиман. Бу биринчи галда, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунидир. Унга кўра ҳукуматимиз ўз ваколатларининг бир қисмини жойлардаги биз учун қадрдон бўлиб қолган фуқаролар йиғинларига берди. Эндиликда турмуш билан боғлиқ масалалар туман ва шаҳар ташкилотларида эмас, балки айнан яшаш жойларининг ўзида ҳал этилади. Ва бу вазифаларни оралиқда ўзимиз сайлаган одамлар томонидан бажарилади.

Ишнинг бу тарзда ташкил этилиши мустақил Ўзбекистоннинг ҳуқуқий давлат сари яна бир муҳим қадам ташлагани, мамлакатимизда демократик жараёнлар тобора шаклланиб бораётганини кўрсатиб турибди.

Қабул қилинган ҳужжатлар орасида ҳар биримизга тааллуқли бўлган "Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида"ги қонун ҳам бор. Бу ҳужжат турмушимиздаги энг долзарб, яъни турар- жойларни таъмирлаш ва эксплуатация қилиш билан боғлиқ муаммони ҳал этишни такомиллаштиришга йўналтирилган. Ташкил этиладиган ширкатлар турар-жой биноларини санитария-техник талаблар асосида сақлаш, таъмирланишини ташкил этиш, бир сўз билан айтганда, коммунал-маиший масалаларга тааллуқли кўп вазифаларни ўз зиммасига олади.

Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясида қабул қилинган ҳужжатлар ва уларнинг аҳамияти тўғрисида яна кўп гапириш мумкин. Шу ўринда бошқа бир жиҳат, қонунларга риоя этиш муҳимлигини айтиб ўтмоқчиман.

Парламент сессияларидан бирида юртбошимиз қонун қабул қилингани бу бошланган ишнинг ярми, асосийси эса уни ҳаётга жорий этишдир, деган эди. Ваҳоланки, кейинги вазифани бажариш анча мушкулдир.

Тоталитар тузум даврида инсон манфаатлари замирида партия раҳбарларининг манфаати ётган, кўп масалалар қонун йўли билан эмас, балки юқоридан қўнғироқ қилиш орқали ҳал этилган бир пайтда ҳуқуқий меъёрлар устувор бўлган шароитда яшашни унутиб қўйдик. Энди эса бошқа замонлар келди. Халқимизнинг маънавий бойликлари қайта тикланиб, ҳар биримизнинг қалбимиз, юрагимизда жой олмоқда. Шу боис, қонунларга таянган ҳолда яшашни ўрганмоғимиз лозим. Зеро, бу қонунлар бизнинг миллий анъаналаримиз асосида, жамиятимизда рўй бераётган ўзгаришларга боғлиқ ҳолда, Ўзбекистонда яшаётган кўп миллатли халқлар манфаатини кўзлаб яратилмоқда.

Қонун устуворлигига эришиш учун ўтмиш сарқитлари, эскича фикрлашдан халос бўлишимиз, ўз билим ва ҳуқуқий маданиятимизни ошириб боришимиз, қонунларга доимо риоя қилишимиз зарур.

Бунга эришиш борасида ички ишлар идоралари олдида ҳам муҳим вазифалар турибди. Зеро, милиция киймидаги киши фуқароларимиз учун ҳуқуқ-тартибот посбони, улар хавфсизлигини таъминловчи, фахри ва ғурури бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Пойтахтимизда содир этилган фожиали воқеалар диний экстремистик кучлар, жиноий унсурлар келгусида олға силжишимизга тўсқинлик қилишга уриниши, ўз сафига гўр фикрловчи ёшларни жалб этиш учун ҳар қандай йўлдан қайтмаслигини кўрсатди. Ёшлар ҳаёти барбод бўлишига йўл қўймаслик ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари, қолаверса, кенг жамоатчиликнинг вазифасидир.

Республикамизда янглишиб, хато қилган фуқароларни танлаган йўлидан қайтариш учун бор имкониятлар ишга солинмоқда. Давлатимиз жазолаш билан бирга кечиришни ҳам билади. Мамлакатимиз раҳбарларининг бундай инсонийлиги халқимиз, жаҳон ҳамжамияти томонидан муносиб баҳоланмоқда.

Тарих шуни кўрсатадики, қонунга бўйсунувчи фуқаролар етишиб чиққан мамлакатгина тараққиётга эришади. Бу қоида биз учун ҳам дастуриламал бўлмоғи лозим.

## МУСАФФО ҲАВО УЧУН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан 10 апрелдан 10 майгача Республика ИИВ ДАНББ Республика СЭС ва Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси билан ҳамкорликда "Тоза ҳаво" тадбирининг биринчи босқичини ўтказмоқда.

Ҳозирги кунда бу хайрли ишга таҳлил қилиш мосламалари билан жиҳозланган, зарурат туғилганда қисқа вақт ичида машиналардан чиқаётган газ иси миқдорини ўлчайдиган ва ростлайдиган кўчма бригадалар жалб этилган.

**Ўз мухбиримиз.**






«ЕТТИ ХОТИНЛИ» АКТЁР БИЛАН СУҲБАТ
Меҳмонимиз
10

## ИЧКИЛИК ҲАҚИДА КИНОЯЛИ КУЛГУ

**Икки қўшни бозорга вино сотгани жўнашди. Йўлда дам олиб тамадди қилишга ўтирдилар.**

**– Ҳозир бир стакандан вино бўлса, яхши бўларди-да, – дея хўрсинди бири.**

**– Яхшиликка яхши-ку, аммо винони сотгани олиб кетяпмиз, текинга бир томчи ҳам йўқотмаслик керак, – деди иккинчиси.**

**Шунда биринчи қўшни чўнтагини ковлаб беш сўм чиқарди ва деди:**

**– Мана, беш сўмлик қуй-чи.**

**Қўшни қуйиб берди ва беш сўмни қайтарди-да, илтимос қилди:**

**– Энди менга ҳам қуй.**

**Беш сўмлик то винолари тугагунча роса қўлдан қўлга ўтди ва қўшнилар савдолардан хурсанд, хуррак бошладилар.**

ОЙНАИ ЖАҲОН дастурлари тўлалигича – фақат бизнинг газетамизда!

# МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Спорт

Бангкок шаҳрида ўтказилган XIII Осиё ўйинлари ўтган йилнинг муҳим спорт воқеаларидан бири бўлиб қолди. Ушбу йирик халқаро мусобақада Ўзбекистон «Динамо» ФСЖ вакиллари муносиб ютуқларни қўлга киритгани ҳали мухлисларнинг ёдидан кўтарилгани йўқ.

Яқинда Ўзбекистон «Динамо» ФСЖ етук спортчилари ва устозларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тантанада республика Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковниги З. Алматовнинг ғолиб динамочилар ва Бангкокда ўтказилган XIII Осиё ўйинлари совриндорларини қимматбаҳо совғалар билан мукофотлаш тўғрисидаги буйруғи ўқиб эшиттирилди. Шундан сўнг совғалар топширилди.

Тантанали қисмдан сўнг Ш. Мавлянов мукофотланганларни вазирлик раҳбарияти номидан қизғин қутлаб, келгусида ўтказиладиган йирик халқаро мусобақаларда янги омадлар тилади. Бу борада ҳадемай Бишкек шаҳрида очилиши кўзланаётган III Марказий Осиё ўйинлари ва Сиднейда бўлиб ўтадиган 2000 йилги ёзги Олимпиада ўйинлари тилга олинди.

Маросимда бокс бўйича Ўзбекистонда хизмат кўрсатган устоз Т. Ғуломов, эшкак эшиш бўйича Осиё ўйинлари ғолиби Р. Исломов, Ўзбекистон «Динамо» ФСЖ фахрийлари кенгаши раиси Ю. Будаговлар сўзга чиқиб, мукофотланганларни муборакбод этдилар.

**Ўз мухбиримиз.**



**Суратда: мукофотлаш пайти.**
**М.САЙЧЕНКО олган сурат.**

# КУБОК ҚОЛАДИГАН БЎЛДИ

Милиция подполковниги Бекмурод Қулмуродов узоқ йиллар Сурхон воҳасида эл осойишталигини сақлашда ўз ҳиссасини қўшган ходимлардан бири эди. Мана, бир неча йилдирки, вилоят ИИБ ШТБИХ ва «Динамо» спорт жамияти ходимлари марҳум милиция подполковниги Б. Холмуродов хотирасига бағишлаб футбол бўйича турнир ўтказиб келмоқда.

Айниқса, бу йилги хотира турнири ўзининг қизиқарли ва шиддатли ўйинлари билан томошабинлар хотирасида узоқ вақт муҳрланиб қолса керак. Қарийб бир ой давом этган ушбу турнирда вилоятнинг барча шаҳар ва туманлари ИИБ қатори Термиз шаҳридаги ички қўшинлар бўлинмаси жамоаси ҳам қатнашди.

Ўз гуруҳларида барча рақибларни мағлуб этишган Қизириқ тумани ва Термиз шаҳри ИИБ спортчилари финалда ғолиблик учун тўп суришди. Якуний ўйин шаҳарнинг «Алпомиш» бош спорт мажмуи ўйингоҳида ўтказилди. Кескин кураш руҳида ўтган ўйин 2:1 ҳисобида термизликларнинг ғалабаси билан якунланди. Шундай қилиб, кўчма кубок бу йил ҳам уларнинг ўзида қоладиган бўлди. Иккинчи ўрин Қизириқ, учинчи ўрин эса Қумқўрғон тумани жамоаларига насиб этди.

Ғолибларга қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

**С. АБДУВОҲИДОВ.**

# ИСНОДГА ЧИДОЛМАЙ...

Шаҳар касалхонасига келтирилган бемор йўлда вафот этганди. Шифокорлар мурданинг чап биқинида тиғ жароҳати борлигини сезгач, тезда ички ишлар идорасига хабар беришди. Воқеа жойига етиб келган С. Раҳимов туман ИИБ 3-шаҳар милиция бўлимининг ЖҚБ бошлиғи, милиция капитани Рустам Мирзаев бошлиқ тезкор гуруҳ аъзолари текширув-суриштирув ишларини бошлаб юбордилар.

— Қизимнинг тутқаноқ касали бор эди, — дея гап бошлади йиғламсираб марҳуманинг онаси. — Уйда тутиб қолди. Торт кесмоқчи бўлиб, қўлига олган пичоғини тутганча йиқилди. Пичоқ биқинига кириб кетди. Кўп қон кетди, тўхтатолмай касалхонага олиб келаётганимизда, йўлда узилди.

Бу воқеани отаси, укаси, келини, синглиси ҳаммалари бир хил тасвирлаб беришди. Бироқ, экспертлар пичоқ марҳуманинг биқинига куч билан санчилгани, агар пичоқ ерга тик ҳолатда турганда ҳам, бу даражада кириб бормаслигини айтишди.

— Экспертлар хулосасидан кейин, оила аъзоларини бирма-бир яна сўроқ қилишга тўғри келди, — деди Р. Мирзаев. — Марҳуманинг укаси гарчи бошқалардек, воқеани гапириб берса-да, ўзини тутишида бироз саросималик бор эди. Пичоқни экспертлар текшириб кўришганини эшитгач, унда ҳам қўрқув, ҳам ҳаяжон ҳислари сезила бошлади. Биз марҳуманинг шахсиятини суриштириб кўрдик. Уни яхши билганлар, яқиндан таниганлар енгил табиатли эканини айтишди. Демак, аёлнинг бу қилиғи ота-онаси, умуман оиласига ёқмаган.

Тахминлар тўғри чиқди. Оилали, уч нафар фарзанднинг онаси Э.нинг суюқоёқлиги жигарбандларининг қаттиқ норозилигига сабаб бўлган. Ота-онаси бир неча марта инсофга чақиришган. Айниқса, укаси Ю. иснодга чидолмаган. Э. навбатдаги меҳмон бўлиб келганда, унга анча таъна тошлари отилган. Бироқ, у пинак бузмай, бу менинг ишим, хоҳлаган куйга ўйнайман, дея ота-онасининг панд-насиҳати, укаси, синглисининг гапларини писанд қилмайди.

Албатта, номус устун келади. Айниқса, эркак кишига, бирор яқин кишисининг иснод келтириши ўлим билан баробар. Шунинг учун ҳам Ю. жаҳл устида опасига пичоқ урган.

Бир фарзандидан айрилган ота-она, иккинчисидан тирик ажралишни истамай, нотўғри кўрсатма беришган.

**Ўз мухбиримиз.**

## БОЛАЛАРНИНГ ЯҚИНЛАРИ БОРМИ?

**Тошкент шаҳар вояга етмаганларни қабул қилиш-тақсимлаш муассасасида 1999 йил 16 мартдан буён 5-6 ёшлардаги Темур исмли бола ушлаб турилибди.**

**Темурнинг белгилари:** бўйи 120 см., озғиндан келган, сочи тўғри қора, кўзлари қора, лаблари юпқа.



**Алоҳида белгиси:** ўнг курагида куйгандан қолган чандиқ бор.

**Кийимлари:** эгнига қора пальто, қора шим, бошига жигарранг шапка, оёғига қора резинали этик кийган.

* * *



**Тошкент шаҳар вояга етмаганларни қабул қилиш-тақсимлаш муассасасида 1999 йил 16 мартдан буён 3-5 ёшлардаги Аҳмад исмли бола ушлаб турилибди.**

**Аҳмаднинг белгилари:** бўйи 101 см., ўртача гавдали, кўзи катта жигарранг, сочи қора, қоши ёйсимон.

**Алоҳида белгиси:** пешонасида унча катта бўлмаган иккита чандиқ бор.

**Кийимлари:** эгнига кўк куртка, спорт иштони, жун кофта, кўк колготка, оёғига зангори рангли крассовка кийган.

**Номлари зикр этилган болаларнинг ота-онаси ва яқинлари бўлса, Тошкент шаҳри, Нурхўжаев кўчаси, 52-уйга ёки 191-14-60 телефони орқали хабар беришларини сўраймиз.**

# ОНАНИНГ КЎЗЛАРИ ЙЎЛДА ҚОЛДИ

Огоҳлик!

Тошкент вилояти ИИБ бошқармаси раҳбарияти юртбошимиз Ислом Каримовнинг жиноятчини жазолашдан кўра жиноятнинг олдини олган муҳимроқдир, дея билдирган фикридан келиб чиққан ҳолда 1999 йилни профилактика, яъни жиноятчиликнинг олдини олиш йили деб эълон қилди. Шу боис ҳозирда эътибор кўпроқ халқимиз ўртасида кенг миқёсда тушунтириш ишлари олиб бориш, фуқароларимизни турли тажовузлардан ҳимоялаш, оила ва аёллар қадриятини ошириш, ҳуқуқий саводхонликни юксалтиришга қаратилган.

Бу йил республикамизда Аёллар йили деб эълон қилиниши муносабати билан вилоятимиздаги тезкор вазият, хусусан ўтган йил давомида оила, турмуш доирасида рўй берган ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларни ўрганиб чиқдик. Шундан сўнг барча соҳа хизматлари раҳбарлари фикрини инобатга олган ҳолда аёллар томонидан ҳамда аёлларга нисбатан содир этилаётган жиноятлар, шу жумладан номусга тегиш, безорилик, ўғрилик, талончилик каби жиноий хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди.

Айни пайтда режага кўра профилактик ишлар давом эттирилаяпти. Масалан, Олмалиқ, Ангрен, Бекобод, Оҳангарон шаҳарлари, Қибрай, Тошкент, Янгийўл, Қуйичирчиқ, Бўка, Бекобод туманларида бошқа хизматларнинг ходимлари билан биргаликда «Тозалаш», «Оила», «Орият» «Ўсмир», «Тун» «Қорамол» ва бошқа тадбирлар ўтказилди. Натижада вилоятда одам ўлдириш, оғир тан жароҳати етказиш, ўғрилик, шунингдек маст ҳолда, вояга етмаганлар ва илгари судланганлар томонидан жиноят содир этилиши ҳолатларининг камайишига эришдик.

Оила ва аёлларимиз манфаатини кўзлаб оилавий жанжаллар, ажралишларнинг олдини олиш мақсадида ҳокимликларга маҳаллаларда ўзаро келишув комиссиялари тузиш таклифи киритилди. Жойларда ташкил этилган бундай комиссиялар ўз фаолиятини бошлаб юборган.

Хайрли ишларимиздан яна бири, вилоят ИИБ бошқармаси бошлиғи томонидан тасдиқланган жадвал бўйича вилоятдаги ички ишлар идоралари раҳбарлари аҳолининг ҳуқуқий, сиёсий-ижтимоий онгини ошириш мақсадида маҳаллаларда учрашувлар ўтказишаяпти. Бўстонлиқ, Тошкент, Зангиота, Қуйичирчиқ, Янгийўл туманлари, Олмалиқ, Янгийўл ва бошқа шаҳар ва туманларида ташкил этилган тадбирлар яхши самара берди. Бинобарин, ҳуқуқ-тартибот ходимлари билан фаолларнинг мулоқоти мунозарага айланиб бормоқда.

ВЕИН нозирлари ҳам зиммаларидаги вазифаларни адо этиш учун астойдил ҳаракат қилишаяпти. Вояга етмаганлар ўртасида турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ўсмирлар ва қизларнинг диний экстремистик оқим таъсирига тушиб қолишидан сақлаш, улар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш, шунингдек дайдилик, тиламчилик қаровсизлик, ўзбошимчалик билан уйдан чиқиб кетиш, ўз жонига қасд қилиш каби салбий ҳолатлар юз бермаслиги учун мактаблар, билим юртлари, маҳаллаларда тушунтириш ишлари олиб бормоқдалар.

Ёшларни Президентимиз Фармонлари ҳамда мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунларга ҳурмат, она - Ватанга муҳаббат, келажакка ишонч руҳида камол топтириш, қонунлар тарғиботи билан ҳуқуқбузарлик ва жиноятларни камайтириш ҳамда барпо этиш мақсадида «Камолот» ёшлар жамғармаси, вилоят суди, Адлия бошқармаси, Халқ таълими бошқармаси ва Ўзбекистон телевидениесининг «Тошкент» студияси билан ҳамкорликда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳамда умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари ўртасида «Сиз қонунни биласизми?» мавзуида кўрик-танлов ўтказдик. Бахсларда ғолиб чиққан Чиноз туманининг «Адолат» жамоаси республика биринчилигига берилган йўлланмани қўлга киритди.

Шулар ва бошқа саъй-ҳаракатларимиз натижасида жорий йилнинг ўтган даврида вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар 15,6 фоизга кам қайд этилди.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг республикамиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида ўзига хос ўзгаришлар рўй бераётгани кўпчилик қатори мени ҳам қувонтиради. Жиноят содир этиб, жазони ўтаётган фуқароларнинг келажаги, оиласи, фарзандлари, ота-онасини ўйлаб, юртбошимиз томонидан амнистия қўлланаётгани, ҳамда уларга ижтимоий кўникма марказлари орқали моддий ёрдам кўрсатилаётгани, уй-жой билан таъминланаётгани, ўқишга, ишга жойланаётгани фикримнинг далилидир. Бундай кечиримли, адолатли ва мурувватли давлат ер куррасининг қайси минтақасида бор?

Қолаверса, 16 февраль куни Тошкент шаҳрида рўй берган террорчилик ҳаракати билан боғлиқ фожиаларда қатнашган кимсалар ўз айбига иқрор ва қилмишига пушаймон бўлиб келса уларнинг гуноҳи кечирилиб, жазо қўлланилмаслиги ҳамда яна оиласи бағрига қайтарилиши ҳам Президентимизнинг халқчил, инсонпарвар, оила манфаатини бошқа нарсадан устун қўйишини яққол кўрсатиб турибди.

Бундай мурувват, саховатга мамлакатимизда яшаётган айрим кимсалар лоқайдлик билан қараб, ўз фуқаролик бурчларини унутиб қўйишаётгани ачинарлидир. Янгийўллик Э. Акмал ака-укалар — Санжар, Қаҳрамон ва Жаҳонгирлар билан жиноий тил бириктираётганда бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмади. Тўрттовлон 1998 йил февраль ойида Янгийўл шаҳри, А. Ортиқов кўчасидаги 15-уй ертўласига тушиб, шахта орқали О. Қорабоевнинг хонадонига киришади. Бу ердан жами 189.500 сўмлик бир нечта гилам, видеомагнитофон, чарм куртка, аёллар «лама» пальтоси, қимматбаҳо соат, узук, биллур идишлар ва бошқа жиҳозларни ўмариб кетишади. Бу уюшган жиноий гуруҳ яна бир қанча хонадонларга кириб, уй эгаларини қақшатиб келганлар. Милиция ходимларининг фидойилиги туфайли уларнинг «саргузаштлари»га чек қўйилди.

Ёки Янгийўл тумани Ниёзбоши жамоа хўжалигида яшовчи М. Акмални олиб кўрайлик. Унинг хонадони текшириб кўрилганда бу фуқаро «Хизбут таҳрир» диний экстремистик оқимга мансуб эканлиги аниқланди. Шунингдек, у гиёҳвандлик билан ҳам шуғулланаётгани фош этилди.

Яна бир мисол. Тошкент тумани Навоий номли жамоа хўжалиги, А. Кўзиев кўчасида яшовчи, вояга етмаган Ж. Ҳамид соат 23-00 да шу кўчадаги Мастура Тожибоеванинг хонадонига кириб бузоғини етаклаб чиқиб кетаётганда қўлга тушди. Унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 25-168-моддаси 1-қисми билан жиноий иш қўзғатилди.

Шундай ҳолатлар рўй берганда афсус-надомат билан бош чайқаб, беихтиёр хаёлга толасан, киши. Ахир бу инсонларни ҳам мўътабар ва мунис оналаримиз дунёга келтирганлар-ку! Уларнинг ўз зурриёдига булган умиди шумиди? Ҳар бир жиноятга мойил киши, у хоҳ эркакми, хоҳ аёлми, ортида оиласи, яқинлари турганини унутмаслиги, буни доимо ҳис этиб яшашларини истардик. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган жиноятчининг онаси оҳ чекиб, кўзлари йўлда ногирон қолишини бир тасаввур қилинг. Тушунган фарзанд учун она нидоси, унинг кўз ёшларидан оғир жазо бўлмаса керак. Бундан огоҳ бўлинг, азиз юртдошлар!

**М. ОТБОСАРОВ,**
**Тошкент вилояти ИИБ ЖООБ бошлиғи,**
**милиция полковниги.**

# MUNAJJIMLAR BASHORATI
## 19 – 25 aprel

**ҚЎЙ (21 март – 20 апрель)**

Ҳафтанинг бошида саломатлигингиз бироз панд беради. Чоршанба ва пайшанба кунлари ҳамёнингизга пул тушиши эҳтимоли бор. Жума куни керакли маълумотни қўлга киритасиз. Якшанба куни эски қадрдонингиз ўзидан хабар беради.

**СИГИР (21 апрель – 21 май)**

Душанба куни баракали меҳнат қиласиз. Сешанба куни раҳбарлар томонидан рағбатлантирилишингиз кўнглингизни тоғдек кўтариб юборади. Аммо пайшанба куни дўстингиз билан келиб чиқадиган жанжал кайфиятингизни тушириб юборади. Жума куни шахсий ҳаётингиз билан боғлиқ муаммони ҳал этасиз. Шанба – харид учун қулай кундир.

**ЭГИЗАКЛАР (22 май – 21 июнь)**

Душанба ва жума кунлари ҳар қандай мураккаб ишга ҳеч иккиланмай киришаверинг, бемалол уддалайсиз. Пайшанба куни ишхонангизда келишмовчилик келиб чиқиши мумкин. Якшанба куни уй юмушлари билан машғул бўлиш ва яқинларингизни йўқлашга вақт ажратишни маслаҳат берамиз.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22 июнь – 23 июль)**

Сешанба куни муҳим ишбилармонлик учрашувида иштирок этасиз. Бунинг самараси келгуси мавқеингизга ўз таъсирини кўрсатиши мумкин. Чоршанба куни ижод билан машғул бўлганингиз маъқул. Дам олиш кунлари нотаниш киши томонидан алданиб қолишдан эҳтиёт бўлинг.

**АРСЛОН (24 июль – 23 август)**

Чоршанба куни ғаройиб саргузашт кутилмоқда. Пайшанба куни моддий аҳволингизни яхшилаш учун тер тўкиб ишлашингизга тўғри келади. Иш жойингизда муваффақият қозониш мақсадида қилган саъй-ҳаракатларингиз кутилган натижани бермайди. Бундан асло ранжиманг. Чунки яқин кунларда омадингиз юришади.

**БОШОҚ (24 август – 23 сентябрь)**

Барча муҳим ишларингизни чоршанба куни ниҳоясига етказишни маслаҳат берамиз. Пайшанба куни яқинларингиз ва ҳамкасбларингиз билан келиб чиқадиган кўнгилсизликлар сизни анча ранжитади. Жума куни ижод билан шуғулланинг. Якшанба куни олисдан кутилаётган хушхабар бир олам қувонч бахш этади.

**ТАРОЗИ (24 сентябрь – 23 октябрь)**

Ҳафта давомида фақат сешанба куни тақдир сизга кулиб боқиб, ажойиб суҳбатдошни рўпара қилади. Шундан сўнг саломатлигингиз билан боғлиқ муаммолар, ишларингизнинг юришмаслиги ва асаббузарликлар даври бошланади.

**ЧАЁН (24 октябрь – 22 ноябрь)**

Ҳафтанинг бошида баракали меҳнат қилишингиз моддий аҳволингизни яхшилайди. Чоршанба куни керакли жиҳозни харид қиласиз. Шанба оқшомида руҳингиз тетиклашиб, дилингиз яйрайди. Якшанба куни бироз кўнгилсизлик келиб чиқади.

**ЁЙ (23 ноябрь — 21 декабрь)**

Ҳафтанинг бошида саломатлигингиз ёмонлашади ва келишмовчиликлар келиб чиқади. Аммо бундан асло кўнглингизни чўктирманг. Пайшанба ва жума кунлари ҳаётда ҳам, иш жойингизда ҳам омад сиз томонда бўлади. Ҳафта охиридаги танишувлар ва дўстлар даврасидаги учрашувлар узоқ вақт ёдингизда қолади.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22 декабрь – 20 январь)**

Душанба куни мураккаб ишни ниҳоясига етказасиз. Сешанбадан пайшанбагача меҳнат фаоллиги кутилмоқда. Жума куни кайфиятингиз ёмонлашуви эҳтимолдан холи эмас. Дам олиш кунларини уйда ўтказишни тавсия этамиз.

**ҚОВҒА (21 январь – 19 февраль)**

Чоршанба куни моддий аҳволингизни яхшилаб олиш имконияти бор. Пайшанба куни таваккал ўтказилаётган тадбирда иштирок этишни таклиф этишади. Ҳеч иккиланмай рози бўлаверинг. Натижаси кўнгилдагидек бўлади.

**БАЛИҚ (20 февраль – 20 март)**

Сешанба кунги муваффақиятсизлик ўзингизга бўлган ишончни бироз сусайтиради. Пайшанба куни алданиб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Спорт билан жума куни шуғулланинг, бу қувончлар келтириб, руҳингизни тетиклаштиради. Якшанба куни танишларингиз сим қоқиши эҳтимолдан холи эмас.


ФОТО ПЛЕНКА ҚОҒОЗ РЕАКТИВЛАР ФОТО

Нақд пулсиз ҳисоб-китоб.

Тел.: (3712) 55-34-06, 55-82-90.


Хоразм вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши вилоят ИИБ ХЧК ва ФБ бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги Бахтиёр Абдуллаевга онаси

**Сора НИЁЗОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдирадилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Бирлашган таҳририяти жамоаси таҳририятнинг собиқ ходими

**Владимир Захарович БОЛИЧЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.



# ҲАДЕМАЙ НИҲОЛЛАР БОШОҚЛАЙДИ

Апрель ойида буғдой майсаларини пайҳонлаш билан боғлиқ қонунбузарликлар сезиларли даражада камайди. Айрим кунлар милиция ходимлари тўрт-бештагина ана шундай ҳолатларни қайд этишмоқда.

Мазкур ҳафтанинг дастлабки кунлари Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида иккитадан, Тошкент вилоятида эса битта ҳолат рўйхатга олинди. Эътиборсизлик оқибатида 0,1 гектар майдондаги ниҳоллар пайҳон қилинган. Масалан, Ромитан туманидаги Ф. Қурбонов номли жамоа хўжалиги аъзоси 20 ёшни қаршилаган фуқаро Намозов 40та қорамоли билан 0,02 гектар ғалла экинини пайҳонлаб, хўжаликка катта зарар етказган. Суд қарори билан ундан 1320 сўм жарима ундириб олинди.

Юқорида тилга олинган бешта ҳолат эса туман судларида кўриб чиқилиб, айбдорларга жами 5700 сўм жарима солинди.

Мавсум бошидан буён апрель ойининг ўрталаригача 2170дан ортиқ пайҳонлаш ҳолати аниқланди. Тадбир иштирокчилари экин майдонларида юрган 6,5 мингтага яқин қорамолни ушладилар. Уларнинг эгалари масъулиятсизликка йўл қўйишгани туфайли дон экилган 165 гектардан ортиқ майдонга зарар етказилгани маълум бўлди. Айниқса, Жиззах, Тошкент, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида бу кўрсаткич юқори даражада эканлигини таъкидлаш лозим.

Тадбир иштирокчиларининг фаоллиги туфайли кўплаб пайҳонлашларнинг олди олинди, ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйган 2116 нафар кишидан зарар ундирилиб, уларга нисбатан маъмурий жазо қўлланилди. Суд томонидан белгиланган жарималар жами 1800 минг сўмни ташкил этди.

Апрель ойида ниҳоллар бошоқлайди. Ҳар бир бошоқ эса эртага донга айланади. Ҳосил тўлиқ бўлиши учун "Ҳосил–99" тадбири иштирокчилари ўз хизмат вазифаларини сидқидилдан адо этишга бел боғлашган. Тадбирда қатнашаётган беш ярим мингдан ортиқ милиция ходимлари ўз вазифаларини масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда бажармоқдалар. Ғаллазорлар жойларда ташкил этилган 2700га яқин масканлар орқали назорат қилинаяпти. Дала қоровуллари сони эса 13 минг нафардан зиёддир.

Кўриниб турибдики, жорий йилда ғалла мўл бўлиши учун барча имкониятлар ишга солинмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

# ҲИКМАТЛИ ЧАЙНВОРД



1. Ўзи ин қурмай, бошқа қушлар уясида тухум қўядиган ўрмон қуши. 2. Чирчиқ дарёсининг ўнг ирмоғи. 3. "Чархпалак" телесериали бош қаҳрамонларидан бирининг исми. 4. Даврий нашрлар. 5. Қадимий торли соз. 6. Илдизи ишлатиладиган доривор ўсимлик. 7. Топишмоқ: "Ўзи пишиқ, бурни қийшиқ". 8. Италиядаги дарё. 9. Бирор асар, илмий иш ва шу кабиларнинг қисқача оғзаки ёки ёзма мазмунининг асли лотинча номи. 10. Туркистон VI-VIII асрларда қандай ном билан аталган? 11. Хамир ва гўштдан тайёрланадиган овқат. 12. Ўқ отиш машқлари учун қўлланиладиган сунъий белги. 13. Ҳиндистон ва Хитойда қадимдан муқаддас деб ҳисобланувчи ўсимлик. 14. Дурадгорлик асбоби. 15. Ҳиндистоннинг шимоли-шарқидаги штат. 16. Иссиқлик ва электрни яхши ўтказиши жиҳатдан кумушдан кейинда турадиган металл. 17. Ўзбекистон Республикасининг пул бирлиги. 18. "Узун бўйли, қора тўнли" (топишмоқ). 19. Пилла қурти маҳсулоти. 20. "Бирликсиз... бўлмас" (Амир Темур). 21. Шифобахш сертикан бута. 22. Шамсия йили ҳисобида саккизинчи ойнинг арабча номи. 23. Япроқ. 24. Одамга қувват бағишловчи шифобахш мева. 25. Ўрта Осиёдаги маҳаллий уй-жойлар деворининг "қобирғаси". 26. "Рўпара турибди, Юзи думалоқ, лўппи. Бир қулоғи бор, бир бурни, Бошига кийган дўппи" (топишмоқ). 27. Деҳқоннинг иш қуроли. 28. "Нафис чайқалади бир туп..., Юксакда, шамолнинг беланчагида" (Ойбек). 29. Шри Ланка пойтахти. 30. Волга дарёсининг ўнг ирмоғи. 31. "Салом ҳам қарз,... ҳам фарз" (мақол). 32. Оғир юкларни кўтарувчи механизм. 33. Америка туяқуши. 34. Аёлларнинг безак буюми. 35. Турли иплар билан нақш солиб тайёрланган тикувчилик буюми. 36. Хулқ-атвор. 37. Кимёвий элемент. 38. Топишмоқ: "Бир арқоним бор, Учи-қуйруғи йўқ". 39. Керак бўлганида уни ташлайдилар, нокерак пайтида эса кўтарадилар. Нима экан бу? 40. Юқори ҳароратда эрийдиган кумушсимон металл. 41. Ўткир ҳидли сарғиш-яшил газ. 42. Катта ҳажмли насрий асар. 43. Жиноят-қидирув хизмати ходимлари ҳақидаги қиссалари билан танилган рус адиби. 44. "Сув остида ўн икки минг лье" номли фантастик романдаги "Наутилус" сув ости кемасининг капитани. 45. Ғарбий Европадаги дарё. 46. Ип аралаштириб тўқилган ипак газлама (аёлларнинг кийим-кечаклари, шунингдек, чопон, кўрпа ва кўрпачалар учун ишлатилган). 47. Одамлар ва юкларни сувда ташиш учун чўкмайдиган нарсалардан ясаладиган мослама. 48. Америка ёзувчиси, "Мартин Иден" романининг муаллифи. 49. Яхши йўлга солиш, таълим бериш мақсадида айтилган гап. 50. "Вақти билан соч тишлар, Ойнага қараб ишлар" (топишмоқ). 51. Ёзув қуроли. 52. Қасқонда пишириладиган таом. 53. Муайян жойнинг ўзига хос обҳаво шароити. 54. "Граф Монте-Кристо", "Фантомас" фильмларида бош ролларни ижро этган таниқли француз киноактёри.

**Агар чайнворднинг барча жавоблари тўғри топилган бўлса, унда шаклнинг ички томондан белгилаб қўйилган саккиз қатор хоналаридаги ҳарфларни чапдан ўнгга қараб ўқисангиз, уларда ўзининг "Мантиқ-ут-тайр" номли достони билан шуҳрат қозонган мутафаккир ва шоир Фаридиддин Аттор қаламига мансуб ҳикматлардан бири аён бўлади.**

**Тузувчи: Ҳамидулла АБДУЛЛАЕВ.**

## СУПЕРКРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

**Белгиланган хонадан соат мили бўйича:** 1. "Сўғдиёна". 3. Шимпанзе. 5. Эстафета. 7. Штутгарт. 9. Мўйқалам. 11. Пирамида. 18. Новшадил. 20. Косеканс. 22. Нюрнберг. 24. Ложувард. 26. Арматура. 28. Мурманск. 35. Радиация. 37. Зашченко. 39. Бахтиёри. 41. Гонолулу. 43. Марғиёна. 45. Динамика. 52. Лампочка. 54. Гармдори. 56. Сарлавҳа. 58. Катманду. 60. Ордината. 62. Шифохона. 69. Трамплин. 71. Муштарий. 73. Желатина. 75. Парранда. 77. Муҳокама. 79. Миномётр. 86. Деҳлавий. 88. Сачратқи. 90. Капиллар. 92. Дастарра. 94. Думбадзе. 96. Шукрулло. 103. Либретто. 105. Аэропорт. 107. Мантисса. 109. Носирова. 111. Логарифм. 113. Қоратепа.

**Энига:** 2. Ғоз. 4. Мот. 6. Тор. 8. Уфа. 10. Йод. 19. Ван. 21. Сор. 23. Рур. 25. "Жар". 27. Мис. 36. Дук. 38. Шар. 40. Хил. 42. Нун. 44. Рок. 53. Мур. 55. Руҳ. 57. Рад. 59. Тут. 61. Дон. 70. Ари. 72. Шин. 74. Лад. 76. Рим. 78. Ҳут. 87. Ҳақ. 89. Чия. 91. Пир. 93. Соз. 95. Мил. 104. Бир. 106. Рус. 108. Нов. 110. Соф. 112. Гап.

**Бўйига:** 12. Ион. 13. Арк. 14. "Фан". 15. Гул. 16. Ака. 17. Мум. 29. Аср. 30. Куз. 31. Боб. 32. Вач. 33. Том. 34. Анд. 46. Ақл. 47. Енг. 48. Икс. 49. Лок. 50. Ибо. 51. Мош. 63. Оят. 64. Дом. 65. Авж. 66. Асп. 67. Ном. 68. Хум. 80. Пуд. 81. Акс. 82. Тик. 83. Аҳд. 84. Код. 85. Меш. 97. "Аёл". 98. Ача. 99. Лом. 100. Аён. 101. Асл. 102. "Уфқ".


**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Бирлашган таҳририяти**

**МАНЗИЛИМИЗ: 700029, Тошкент, Юнус Ражабий кўчаси, 1**

**Газета ҳафтанинг жума кунлари чиқади.**

**Бош муҳаррир Зокир АТАЕВ**

*Муҳаррир*

**Эркин САТТОРОВ**
(Бош муҳаррир ўринбосари в.б.)

Навбатчи: **С. ШАМСИДДИНОВ.**
Мусаҳҳиҳлар: **Н. СУЛТОНОВА, Г. ХОЛИҚОВА**
Дизайнер: **А. МИРЗАМУҲАМЕДОВ**
Саҳифаловчилар: **М. НАСРЕТДИНОВА**

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
**Бош муҳаррир — 139-70-40,**
пейжер: ............... **(088) 15-55**
**Бош муҳаррир ўринбосари — .. 139-77-23,**
пейжер: ............... **(088) 24-16**
**мухбирлар бўлими ............ 139-75-69.**
Факс: **............... 54-37-91.**

Газета тарқатиш масалалари бўйича мурожаат учун:
тел.: ..................... 139-70-40,
факс: ..................... 54-37-91,
пейжер: .... (088) 36-97, 55-19.

**Реклама бўлими:**
**пейжер: (088) 55-54, 55-19.**

**Бизнинг ҳисоб рақамимиз: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ҳисоб-китоб — касса марказида: 21506000200447980001, МФО 00014.**



- Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар, шунингдек, очиқ эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси таҳририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.



**Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.**

Рўйхатдан ўтиш тартиби № **00007**.
Буюртма Г — **0287**.
Ҳажми — 4 босма табоқ.
Босилиш — офсет усулида.

Босишга топшириш вақти — .................. 19.00.
Босишга топширилди — ....... 18.00.

Обуна рақами — **180**

**118 660** нусхада чоп этилди

**«ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.**

Корхона манзили:
**Буюк Турон кўчаси, 41-уй.**

1, 2, 3, 4, 5, 6.